

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИЙ АКАДЕМИЯСИ**  
**КАМОЛИДДИН БЕҲЗОД НОМИДАГИ МИЛЛИЙ**  
**РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

**АМАЛИЙ САНЪАТ ФАКУЛЬТЕТИ**  
**БАДИЙ КУЛОЛЧИЛИК ВА ТАЪМИРЛАШ КАФЕДРАСИ**

“Химояга рухсат этилсин”

Факультет декани

\_\_\_\_\_ С.Дж. Саидова

\_\_\_\_\_ 2017 йил

5151200-Амалий санъат таълим йўналиши  
 Меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш бўлими талабаси  
**Имомов Ашраф Лапасовичнинг**

**САМАРҚАНДАГИ ХАЗРАТИ-ҲИЗР МАСЖИДИ БАДИЙ БЕЗАГИНИ**  
**ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИХАСИ. (XIX АСР) мавзусидаги**

**МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ**

Илмий раҳбар: “Бадиий  
 кулолчилик ва таъмирлаш”  
 кафедраси катта ўқитувчиси

\_\_\_\_\_ З.Ш.Досметова

“Химояга тавсия этилсин”

“Бадиий кулолчилик ва  
 таъмирлаш” кафедраси мудири

\_\_\_\_\_ К.Б.Сидиков

“ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2017 йил

Тошкент-2017

## МУНДАРИЖА

|                                                                                            |               |
|--------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|
| <b>КИРИШ.....</b>                                                                          | <b>2-7</b>    |
| <b>1-БОБ. САМАРҚАНД МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ.....</b>                                            | <b>8</b>      |
| <b>1.1. Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ҳақида умумий маълумот.....</b>               | <b>8-10</b>   |
| <b>2-БОБ. ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИ.....</b>                                 | <b>11</b>     |
| <b>2.1. Ҳазрати Хизр масжиди қурилиши тарихи.....</b>                                      | <b>11-14</b>  |
| <b>2.2. Самарқанд шаҳридаги меъморий обидаларни таъмирлаш муаммолари.....</b>              | <b>14-15.</b> |
| <b>3-БОБ. ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ БАДИИЙ БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИҲАСИ.....</b>              | <b>16</b>     |
| <b>3.1. Ҳазрати Хизр масжидининг меъморий ва бадий безакларини таъмирлаш лойиҳаси.....</b> | <b>16-23</b>  |
| <b>ХУЛОСА.....</b>                                                                         | <b>24-25</b>  |
| <b>ГЛОССАРИЙ.....</b>                                                                      | <b>26-29</b>  |
| <b>ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>                                               | <b>30-32</b>  |
| <b>ИЛОВА .....</b>                                                                         | <b>33-40</b>  |

## КИРИШ

«Мустақилликка эришганимиздан кейин халқимизнинг ўз юрти, тили, маданияти, кадриятлари тарихини билишга, ўзлигини англашга қизиқиши ортиб бормоқда. Бу — табиий ҳол. Одамзод борки, авлод-аждоди кимлигини, насл-насабини, ўзи туғулиб вояга этган қишлоқ, шаҳар, хулласки, Ватанининг тарихини билишни истайди<sup>1</sup>».

**Ислон Каримов.**

<sup>1</sup>И.А. Каримов. «Куч билим ва тафаккурда» Т., «Ўзбекистон», 2003. 165-бет

Меъморлик — инсоннинг ҳар кунги ҳаётидан ажралмас санъатдир. Меъморлик ҳам санъатнинг бошқа турлари сингари давлат тарихи, маданий-маънавий, халқнинг турмуш тарзи, эстетик шаклларда намоён этади. Шунинг учун бу санъат тарихий воқеаларнинг солномаси, давр ойнаси сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон замини меъморий обидаларга бой ўлка. Қадимдан бошлаб меъморлик санъати ривожланиб келган. Дастлаб одамлар ғорларда яшаш билан бирга ер устига ҳам тураржойлар қура бошлаганлар. Лой, ёғоч ва турли шаклдаги хом ғиштдан фойдаланиб уйлар қуришган, бино деворлари, полларни сувашган ва ранг бериб хоналарни безашган. Неолит (мил. ав. 6—4 мингинчи йиллар) даври сўнгига келиб Ўзбекистон ҳудудларида қўрғонтепалар қурилиши заминида шаҳарсизлик ва шаҳар-давлатлари ривожланиб борди. Шу шаҳар-давлатларда меъморлик мажмуалари яратилган.

Ўзбекистон меъморлигининг антик ва илк феодализм давлари ҳам меъморий бой бўлган. Бу даврда янги меъморий ғоялар пайдо бўлди, меъморлик мажмуалари, мавзули рассомлик композитсиялари, маҳобатли рангтасвир ва ҳайкалтарошлик асарлари яратилди.

Феодалларнинг қаср-қўрғонлари, бой ва янгиланди. Бу давр меъморлигининг ўзига хос томонлари қўрғон-қасрлар — кўшклар қурилишида сезиларли бўлди. Бу қўрғон-қасрлар аввалги бадий-маданий марказлардан бирмунча чеккада бўлиб, асосан, деҳқон-феодалларнинг тураржойи сифатида пайдо бўлди. Бу қўрғонлар мустаҳкам деворлар билан ўралган. Шу қўрғон-қасрлар атрофида кейинчалик тураржойлар, бозорлар пайдо бўла бошлаган. Вақт ўтиши билан ана шу ерлар ҳам қалин деворлар билан айлантириб ўраб олина бошланган.

Ўзбекистон меъморлик санъатининг янги босқичи ривожланган феодализм даврига тўғри келади. Шу даврда Ўзбекистон жаҳонга ажойиб олимларни берди. Меъморликда янги типдаги бинолар, ижодий ғоялар юзага келди. Шаҳар ҳаёти работга кўчди. Шу ерда гавжум бозорлар пайдо бўлди. Савдо қаторлари яқинида эса хунармандлар жамоалари шакллана борди. Шаҳарда ва ундан ташқарида жамоат ва тураржойлар барпо этилди. Бу қурилишларда аста ислом дини билан боғлиқ меъморлик шаҳар қиёфасини белгилашда муҳим ўрин эгаллаб, динлар билан боғлиқ диний бинолар масжид типлари юзага келиб, жума масжиди ҳамда шаҳардан чеккада намозгоҳлар барпо этилиб, ичида қибла томонда — меҳроб ёнида минбар қурилган. Узун минора ишланиши ҳам шу давр маҳсулидир. Ўқув даргоҳлари — мадрасалар қурилиши ҳам жонлана бошлади.

Хонақоҳлар алоҳида масжид-мадрасаларда, уларнинг яқинида қурилган. Шундай хонақоҳлар Самарқанд, Бухорода кўплаб учрайди. Савдо чорраҳаларида Чорсу савдо гумбазлари, шаҳар дарвозалари олдида карвонсаройлар ҳамда шаҳар ва ундан ташқарида мақбаралар қурилиши шу давр меъморлигининг ўзига хос янги йўналишлари маҳсули эди. Айниқса, мақбаралар қурилишида безак санъати ютуқлари ўз ифодасини топди. Қурилишда хом ғишт, пахсадан ташқари пишиқ ғишт ва алебастр қоришмаларидан фойдаланиш ҳам муҳим бўлди. Учли токилар ҳам меъморлик санъати ўзгаришларини белгилади. Минора қурилиши ҳам одат тусига кириб кела бошлади.

Темур ва Темурийлар даврида меъморлик санъати ниҳоятда ривожланди. Бу даврда меъморликда биринчи бор вужудга келган йирик ва мураккаб меъморлик мажмуалари муҳим ўринни эгаллайди. Меъморчилик ёдгорликларини рангли кошинлар билан бойиши катта бадий-эстетик аҳамият касб этди. Албатта, рангли безак Ўрта Осиё меъморлигида аввал ҳам бўлган, лекин XV асрга келиб бино ички ва, айниқса, ташқи пардозида бу услуб алоҳида ўринни эгаллай Сирли сопол тахтачалардан ишланган рангли

кошинлар XIV аср охиридан тарқалди. Темур нафақат ўз она шаҳри Кеш ва пойтахти Самарқандда, балки ўз тасарруфидаги ҳудудда ҳам ҳашаматли биполар курдирди. Темур ва Темурийлар даври меъмориинигини Шоҳи Зинда, Бибихоним, Оқсарой, Ишратхона, Гўри Амир меъморлигисиз тасаввур этиб бўлмайди.

**Малакавий битирув иш мавзусининг долзарблиги.** Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ва иқтисодий ислохотлар натижасида халқимиз учун аҳамиятли бўлган миллий ҳамда маданий анъаналар ва қадриятлар ҳисобланмиш тушунчаларни тадқиқ этисли ҳамда таҳлил қилиш, келажак авлодга етказиш борасида шарт-шароитлар ва имкониятлар яратилмоқда.

Бунинг асосий сабаби халқимиз анъаналарининг ҳаққонийлиги ва поклиги, инсонпарварлиги ҳамда бағрикенглиги, одамзодни доимо эзгуликка чорлаши, ҳаёт синовларида ўзини оқлаган қадриятлами аجدодлардан авлодларга етказишдаги беқиёс ўрни ва аҳамияти билан боғлиқлигидир.

Эзгу мақсадларга эса, фақат юксак маънавий тарбия орқалигина эришиш мумкин. Шу ўринда эътироф этиш керакки, халқ амалий безак, меъморий-бадий декоратив санъати анъаналарининг айрим жиҳатлари ҳанузгача эътиборли тадқиқ қилинмаган. Ҳақиқатан ҳам, мустақил Ўзбекистон тарихда ўтган буюк усталари, аллома ва меъморлари ижодига мансуб намуналари билан бутун дунёни ҳайратга солади. Бу осори атиқаларни аجدодлардан қолиб келаётган мадани ва моддий бойлигимизни асараб авайлаш билан бир каторда улардан оқилона фойдаланган ҳолда бу такрорланмас меъморий обидаларни авлодларга бус-бутун етказиш ва асл ҳолатида намоийш этиш бизнинг устувор вазифамиз ва олий масадимиздир.

Шу сабабли битирув малакавий иши мавзуси “Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди бадий безагини таъмирлаш лойиҳаси XIX аср” деб танланди.

**Ўрганиш даражаси.** Меъморчиликга оид бўлган манбалар ва уларнинг меъморий ечимлари ҳақидаги маълумотлар, умуман меъморчиликда интерьернинг ўрни ҳақидаги маълумотларни Мустақилликгача бўлган давр ва мустақилликдан кейинги даврларда яратилган турли адабиёт ва интернет сайтларидан олишга мувофиқ бўлди. Адабиётлардан президент асарлари, интерьер тарихи ва унинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва роли ҳақидаги маълумотларни Ўзбекистон Миллий энциклопедиясидан ҳамда ГООГЛЕ интернет сайтларидан фойдаланилди.

**Малакавий битирув ишининг мақсади** Самарқанддаги тарихий-маданий объектларни тарихий, назарий ва меъморий жиҳатларини ўрганиб, таҳлил этиш орқали «Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди бадий безагини таъмирлаш лойиҳаси XIX аср» ни илмий-назарий ўрганиш ва таъмирлаш лойиҳасини бажаришдан иборат.

**Малакавий битирув ишининг вазифалари:** “Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди бадий безагини таъмирланиши лойиҳасини бажариш жараёнида қуйидаги вазифалар қамраб олинади:

- Меъморий ёдгорликлар ҳақида тарихий ва ёзма манбаларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- Манбаларни ўрганиш жараёнида бадий безак ва меъморий шаклларнинг ҳолатини ўлчаш ва суратини чизиш;
- Бадий безак ва меъморий шаклларнинг ҳолатини фотосуратга тушириш;
- Натурада сақланган безаклар парчасидан аниқ нусха олиб, меъморий безакнинг ҳозирги ҳолатини рангда ишлаш;
- Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди бадий безагини таъмирлаш, консервация ва тиклаш услубини босқичма-босқич ишлаб чиқиш.

- Меъморий ёдгорлик безакларини ранг мувофиқлигини топиш
- Таъмирлаш лойиҳасини тўлиқ бажариш

**Малакавий битирув иши объекти ва предмети.** Малакавий битирув ишининг объекти Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди саналади. Меъморий обидалардаги безакларни таъмирлаш масалаларини назарий жиҳатларини таҳил этиш ишнинг предмети саналади.

**Малакавий битирув ишининг тузилиши ва ҳажми.** «Самарқанддаги Хазрат Хизр масжиди бадий безагини таъмирлаш лойиҳаси XIX аср» мавзуидаги иш кириш, уч боб, хулоса, атамалар изоҳи ва адабиётлар рўйхати, илова ва иллюстратсиялардан иборат. Илова ўз ичига 6 планшет ва 1 ашёда ишларнинг фотоларини ташкил қилади

## **1-БОБ. САМАРҚАНД МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАРИ**

### **1.1. Самарқанд шаҳридаги тарихий обидалар ҳақида умумий маълумот**

Самарқанд — жаҳоннинг энг қадимий шаҳарларидан бири. Рим, Афина, Бобилларнинг тенгдошидир. Ўтмишнинг шоирлари ва тарихчилари уни чинакам «Шарқ жаннатмакон боғи», «Ер юзи», «Шарқ оламининг бебаҳо дурдонаси», «Жаҳон мамлакатларнинг безаги», «Шарқнинг Рим каби шаҳри»... ва ҳоказолар каби гўзал ўхшатишларни бежиз бағишламаган эдилар.

Самарқанд вужудга келган Зарафшон дарёси водийсининг табиий мўлкўллиги «Авесто» нинг муқаддас шеърларида эътироф этилган. Эрамиздан аввалги 1-минг йилликнинг ўрталарида юнон манбалари Самарқанд шаҳри ҳақида номини Мароканд шаклида айтиб ўтганлар, ўрта асрлар даврида қадимий Самарқанднинг харобалари Афросиёб деб номланадиган бўлди.

Самарқанд шаҳри ҳақида энг биринчи ёзма фикр эрамиздан аввалги 329 йилга оид, у пайтда Искандар Зулқарнайн бошчилигидаги юнон-македон лашкарлари уни ишғол қилган. Эрамизнинг биринчи асрларида шаҳар қудратли Кангюй давлати ҳукмронлигига тушиб қолган эди.

Мирзо Улуғбек замонасидан буён бу майдон Самарқанд аҳли учун Бош майдон ҳисобланади. Самарқанд ҳукмдорларининг фармонлари шу ердан эълон қилинади. Ёвга қарши эрк жангига отланган жасур лашкарлар, айнан, шу майдонда қасамёд қилишиб кексалардан дуо-фотиҳа олганлар... Регистон майдонида олиб борилган археологик қазилмаларнинг кўрсатишича,

ибтидодий жамоа даврида бу ерда улкан чангалзор бўлиб энг қадимги овчилар чангалзорда ҳар хил ёввойи ҳайвонларни овлаганлар.

Қазишмалар пайтида Регистон майдонининг энг пастки қатламларидан ибтидодий одамларнинг ов қуроллари топилгандир. Антик даврда эса ҳозирги Регистон майдонидан Афросиёб шаҳарчаси томонга катта ариқ ўтказилган экан. VIII-X асрларда Регистон майдони ўрнида жуда кўплаб иморатлар пайдо бўла бошлайди, чунки, Самарқандни истило қилган араблар Афросиёбдан бир неча минглаб маҳалий аҳолини мажбурлаб кўчирган эдилар. Айнан шу даврларда бу ерда хунармандларнинг устахоналари, савдо расталари бунёд этилади.

XI-XII асрларда ҳозирги Регистон майдони ўрни ва атрофидаги маҳаллалар ташқи мудофаа девори билан ўралиб "ташқи шаҳар" номи билан атала бошлайди. 1220 йили Афросиёб Чингизхон томонидан вайрон қилинган, бу ерда яшашни иложи қолмайди, тирик қолган халқ ҳозирги эски шаҳар томонга, яъни, Регистон майдони атрофига кўчиб ўтади. Бу ердан оқиб ўтувчи канал анча кенгайиб саёзлаша бошлайди. Шундан сўнг, канал учун янги ўзан қазилиб жиловланади. Каналнинг эски ўзанида жуда кўп қум тўпланганлиги учун бу жой Регистон, яъни, "қумлоқ жой" деб атала бошланди.

Регистон майдони Ер юзининг сайқали деб тан олинган, Амир Темури бирлаштирган йигирма етти давлат пойтахти бўлган машҳур Самарқанднинг ўзига хос ва мос бўлган кўзгусидир. Регистон майдони Баҳодир Ялангтўш даврида шаклланган.

«Регистон» деган сўз форс тилидан олинган бўлиб, «қумли жой» деган маънони билдиради, «рег» - қум, «истон» - туриш жойи демакдир. Тарихий маълумотлар ва аниқ илмий ашёвий далилларга асосланиб, айтиш мумкин-ки, бу ердан жанубий шарқдан, шимолий ғарбга томон катта ариқ оқиб ўтган, вақт ўтиб ариқ қуригандан сўнг, ўрнида қумлоқ жой қолган. Ана шу асосда «Регистон» деган сўз келиб чиққан.

. Амир Темур қабри устига тўқ яшил рангли нефрит тош қўйилган. азрати Хизр масжиди Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (19-а. ўрталари); афсонавий ўлмас шахс Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ. Бино *Шоҳизинда* мажмуаси қаршисидаги тепаликда жойлашган қадимий масжид пойдевори устига қурилган (меҳробдаги ёзувга кўра 1855 й.). Масжид хонақоҳ, унинг 2 ёнида ҳужралар, қўшимча хоналар, омборхона, минорадан иборат; кейинчалик бинога қўшимча айвон (1899), дарвозахона (1919) қурилган. Бош тарзидаги тик зинапоядан дарвозахонага чиқилади, ундан унча катта бўлмаган хонага кирилади. Дарвоза пештоқ-гумбазли, пештоқнинг 2 бурчагига куббаси қовурғали гулдаста-миноралар ишланган; пештоқнинг чап томонида равоқли, ўймакори безатилган 5 та ёғоч устунли пешайвон жозибадор нақшлар билан серҳашам безатилган, қирма усулидаги ганч безаклар маҳорат билан ишланган. Пешайвондан баланд гумбаз билан ёпилган хонақоҳга утилади. Ташқариси пилтавор гумбаз 8 қиррали пой-гумбазга ўрнатилган, оралиғи муқарнаслар билан зийнатланган. Пештоқ ҳамда қафасали минора кошинкори безатилган, пештоқ пой-гумбазига равоқли дарчалар ишланган. Бино 20-асрнинг 90-й.ларида қайта таъмирланди.

## 2-БОБ. ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ МЕЪМОРИЙ БЕЗАКЛАРИ

### 2.1.Ҳазрати Хизр масжиди қурилиши тарихи

Ҳазрати Хизр масжиди Самарқанд шаҳрининг муқаддас зиёратгоҳларидан биридир. У Самарқанддаги биринчи мусулмон масжиди ва меъморий обидаси сифатида эътироф этилади. Масжид Қутайба ибн Муслим томонидан қурилиб, Ҳазрати Хизр номи билан аталган. Маълумотларга кўра, дастлаб саждагоҳи мавжуд бўлган. VIII асрда араблар томонидан оташпарастларнинг ибодатхоналари бузиб ташланади. Шу тепаликдаги ибодатхона ўрнига Қутайба ибн Муслим томонидан биринчи масжид биноси қурилади ва Ҳазрати Хизр номи билан аталади. Ҳожа Дониёр, Қусам ибн Аббос ва Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари аслида битта мажмуа бўлган. Масжидга кираверишдаги мармар тошда кўрсатилган “ **1854 йил** ” ёзуви унинг Бухоро амири Амир Музаффархон томонидан тикланганлигига ишорадир.

1899 йилда масжиднинг айвон ва дарвозахона қисми қайта қурилган. Дарвоза юзасига ёзилган ҳижрий 1336 йил (мелодий 1916-1917 йиллар) ёзуви дарвозахона ва миноранинг қайта тикланган вақтини англатади. Фикримизни хонақоҳ меҳробидаги 1274 йил ҳижрий (1854 мелодий йил), 1302 ҳижрий йил (1884 мелодий йил) деган ёзувлар исботлайди.

Мустақиллик йилларида ҳазрати Хизр масжиди мамлакат раҳбарияти қўллаб-қувватлаши билан бир неча бор мукамал таъмирланди, масжид ёнида жойлашган Арзис қудуғи қайта тозаланиб, қадимий ҳолига қайтарилди.

Ҳазрати Хизр масжиди VIII аср бошида, Ўрта Осиё араб истилоси остида бўлган даврда қурилган. У қадимий Афросиёб қолдиқларининг жанубида кичкина тепаликда жойлашган.

Иншоотни Хизр пайғамбар номи билан аташган. У сайёҳлар ҳомийси бўлган ва “жонли сув”га эга эди. Ривоятларга кўра араблар шаҳар қалъасини сувга ғарқ қилмоқчи бўладилар ва Арзис анҳорини тўғон билан тўсадилар. Аммо кутилмаганда катта оқ қуш учиб келиб тўғонни бузиб юборади.

Мўжизавий нажот шарафига Самарқанд аҳолиси масжидни барпо этдилар. Аввалроқ унинг ўрнида Зардуштийлар ибодатхонаси турар эди. Ҳазрати Хизр масжидини мўғуллар 1220 йилда вайрон қиладилар. Одатда ҳарбий юришлари давомида улар аҳамиятга эга бўлган иншоотларни ер билан яксон қилар эди.

Замонавий масжидни 1854 йилда қадимий пойдевор устида барпо этдилар. Иншоотни сезиларли даражада қайта қуришгани сабабли унинг дастлабки кўриниши бутунлай йўқотилган эди. Унга тақаб квадрат шаклидаги иншоот — Гумбазли дарвозахонани бунёд қилишди. Яна икки четида гулдаста минораларга эга кириш пештоқи ва шарқона нафис минора ҳам барпо этилди. Бинониг орқа тарафида ҳам гулдаста минора бор. Бинога қараганингизда минорани якка ўзини кўрмайсиз ва унга қараганингизда симметрия ҳисси уйғонади. Ҳазрати Хизр масжиди фақатгина 1919 йилга келибгина ҳозирги кўринишга эга бўлди.

Масжиднинг ташқи пардози бошқа шундай иншоотларнинг пардозидан фарқланади. Унда одатий бўлган кўк ва яшил рангларнинг устунлигини кўрмайсиз. Аксинча сарғиш ва қизғиш-жигар рангли безакларни кўриш мумкин. Айвоннинг ёрқин шифтини жимжимадор нақшлар безатишган. XIX асрга тегишли бўлган ва нафис ўйма нақшлар билан безатилган ёғоч эшик алоҳида қимматга эга.

Ҳазрати Хизр масжидида Самарқанда наққошлик мактабида урф бўлган совуқ рангдаги, нилобий, ложувард рангдаги нақш элементлари учрамасада аммо қўлланилган нақш элементлари Самарқанд наққошлик мактаби усуллари тасвирлаши билан аҳамиятли.

Меъморий-декоратив санъатида нақш чизиш муҳим аҳамиятга эга. Нақшлар қайси бино ёки буюмни безамасин, ўзига хос услуб ва технологияни талаб қилади. Албатта, нақшлардаги мазмун ва маънони ўқий олиш учун кишида бадиий маълумот, ўзига хос бир санъат боииши керак, нақш арабча тасвир, гул деган маънони билдириб, элементлари маълум тартибда такрорланадиган ўсимликсимон, геометрик шакллар, ҳайвон, қуш ва бошқаларнинг схематик тасвиридан ташкил топган безак.

Меъморий-декоратив санъатида ишлатиладиган нақшлар мазмунига кўра, ўсимликсимон, геометрик, гулли гириҳ, рамзий ва бош- қа турларга боиинади. Ўсимликсимон нақш табиатдаги барг, банд, дарахт, бута, ғунча ва бошқа нарсаларнинг наққош томонидан стиллаштириб олинган шаклини маълум қонуниятлар асосида такрорланишидан ҳосил қилинган нақшдир.

Геометрик нақш турларидан бири гириҳ бўлиб, чигал, тугун деган маънони билдиради. Ҳандасий нақш мураккаб нақш тури, у геометрик нақш турларидан бири бўлиб, тўртбурчак, учбурчак, айлана ва ёйлар ҳамда кўпбурчаклардан ташкил топади. Тузилиши жиҳатидан тўғри чизик, эгри чизик ва аралаш чизиклардан ташкил топган гириҳга болинади.

Гулли гириҳ ўсимлик ва геометрик нақш элементларидан ташкил топган. Унинг элементига юқорида санаб ўтилган геометрик ва ўсимликсимон нақшлар киради.

Усталар табиатдаги гул, барг, новда, ғунча, ва бошқаларнинг тузилишини, ўсиш қонун-қоидаларини, кўринишларини синчиклаб ўрганиб, улардан турли нақш композицияларини ишлаш учун ҳар хил элементларни умумлаштириб олганлар. Бунда гулнинг ҳолати (устидан, ёнидан ёки тагидан), кўриниши, гўзаллиги танлаб олинади. Умуман, нақш

композициясини яратишда нақш элементларини чизиш нақш ишлашнинг алифбоси ҳисобланади<sup>1</sup>.

## **2.2. Самарқанд шаҳридаги меъморий обидаларни таъмирлаш муаммолари**

Ўзбекистон республикаси мустақилликка эришгач бошқа соҳаларда бўлгани каби меъморчилик соҳасида ҳам тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклаш бўйича катта ижодий ишлар, ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги меъморий ёдгорликларни химоя қилиш ва қайта тиклаш, айниқса 2001 йилнинг 30 августида қабул қилинган “Маданий мерос объектларни муҳофаза қилиш ҳақидаги” қонун билан бевосита боғлиқ ҳолда кечмоқда .

Бугунги кунда республикамызда тарихий-маданий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлашга катта эътибор берилмоқда. Самарқанд шаҳрининг тарихий-маданий ёдгорликлари ўрта аср шаҳарсозлигининг ягона комплекс очиқ музей шаклини бера олади. Самарқанд ёдгорликлари ЮНЕСКО муҳофазасига олинган бўлиб, ташкилот қарорига биноан жаҳондаги 40 та музей шаҳарлар туркумига киритилган.

Самарқанд шаҳри ёдгорликларида халқимизнинг ўтмиш тарихи, илм-фан тараққиёти, маданияти акс этган манбалар ва архив материалларни чуқур таҳлил қилиш ҳамда обидаларда олиб борилаётган кузатиш ишларидан олинган хулосаларимиз қуйидагилардир:

- Самарқанд обидалари архитектура, археология, тарих ва санъатшунослик каби соҳалар деярли чуқур ўрганилган бўлсада, композиция ва муҳандислик соҳаларида чуқур тадқиқ этилмаган;

---

<sup>1</sup>. С.Булатов Ўзбек халқ амалий безак санъати Тошкент “Меҳнат”1991 й 162-175 бб.

- Обидалар иншоотларининг мустаҳкамлиги, умрбоқийлиги асосий юк кўтарувчи конструкцияларга боғлиқлиги эътиборсиз қолмоқда;

- Меъморлар бино мустаҳкамлигида физик-механик хусусиятлари, материаллар ҳолати, конструкцияларда инструментал услуб билан техноген таъсирларни ўрганиш, сейсмик ва динамик кучлар таъсирига ҳисоблаш, мустаҳкамлаш, конструктив ечимларни топиш лозим;

Очиқ осмон остидаги бу музейлар замонавий меъморчилик асосида асл ҳолини сақлаган ҳолатда ва мукаммал тарзда таъмирланиши уларни бадий қийматини ошириши билан бир қаторда ер юзининг сайқали бўлган фирдавсмонанд Самарқанд шаҳрининг янада гуллаб яшнаши ва кенг кўламдаги даромадлар олиб келиши имкониятини яратишида асосий мезон бўлиб хизмат қилиши билан бир қаторда авлодларга уларни асл ҳолатида етказиш орқали кимларнинг авлоди эканимизни англаган бўламиз.

- бевосита таъмирлаш ишларига айнан таъмирловчи рассом мутахассислар жалб этилиши лозим

### **3 БОБ. ҲАЗРАТИ ХИЗР МАСЖИДИ БАДИИЙ БЕЗАКЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЛОЙИҲАСИ**

#### **3.1. Ҳазрати Хизр масжидининг меъморий ва бадий безакларини таъмирлаш лойиҳаси**

Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди бадий безагини таъмирлаш лойиҳаси жараёнида Самарқанд шаҳридаги меъморий обидалар ҳақида турли адабиёт ва замонавий ахборот воситаларидан фойдаланилган ҳолда тарихий ва тадрижий маълумотлар тўпланди. Шахсан мен объектнинг меъморий тархи, тарзи, кесмалар, конструкциялар, безак турлари бўйича архивдаги чизмаларни пухта ўрганиб чизмалар асосида объектнинг таъмирдан олдинги бузилган ҳолатни асосий манба сифатида қўлланиш кўзда тутилган. Шу чизма асосида таъмирлаш лойиҳаси шаклланди. Яъни тарх, тарз, кесмалар, безак фиксацияси, безакларнинг ҳозирги ҳолати, иморатнинг нураб қолган, бузилган, емирилган шакл ва қисмларни ҳозирги ҳолатини аниқлаш, геометрик таҳлили, аналогия, (ўхшаш) қисмларни ўрганиб шулар асосида йўқолган, тушиб кетган, нураб қолган безакларни тикланиш ишлари, изланишлари олиб борилади. Барча илмий-тадқиқот жараёнларидан сўнг асосий ишга яъни мазкур объектнинг таъмирлаш лойиҳасига киришилади. Таъмирлаш лойиҳаси битирув малакавий ишнинг энг муҳим якунловчи асосий қисми ҳисобланади. Бунда ўқиш даври мобайнида олинган амалий билим натижаси сифатида эса объектда мавжуд танлаган безакнинг эски усталар томонидан бажарилган технологиялар асосида фрагменти,, бўлаги, қисми, асл ҳолатига яқинлаштириб безак эталони ашёда иш бажарилади. Ганч ўймакорлиги, девор наққошлиги, ўйма терракота, кошинкорлик мозаикаси, майолика, ёғоч ўймакорлиги, панжара ўймакорлиги, кандакорлик, қирма кундал ва хоказолар.

Маълумотларни ўрганиш жараёнида Самарқанд меъморчилигида асосий безак вазифасини ўтаган кошинпазлик ҳақида ҳам керакли

маълумотлар тўпланди. Асосий лойиҳа ишларни бажаришдан аввал кошин ва кошинкорлик ҳақида қисқча тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

**Кошин**, парчин, кафель, каминлар ва печлар сиртига қоплаш учун махсус пиширилган сиркор юпқа сопол пинт скичипни тахтача. Кошин махсус лойдан қолипларга қуйиб тайёрланади, хумдонда 1150° гача температурада пиширилади; турли нақш, нақш қисмлари туширилгач, сир берилади, сўнг махсус хумдонда пиширилади. Кошинларнинг сиртига нақшли, турли тасвирлар туширилган хиллари бор. Сиртга пухта ёпишиши учун кошиннинг орқа томони ғадир-будир ёки чуқурча-чуқурча қилиб ясалади. Ўнги оқ ёки ҳар хил рангли, силлик, бўртма, силлиқланмаган; шиша, полистирол хиллари бор. Меъморий безак сифатида кенг қўлланилади, биноларни ташқи таъсир (ёғин-сочин)лардан ҳам сақлайди. Дастлаб, Қадимий Шарқ (Миср, Оссурия ва бошқа давлатлар)да. асосан, биноларни безашда кенг тарқалган, 9-асрдан Европа (Германия, Швейцария, кейинроқ Россия) да печка ва каминларни безашда ҳам ишлатилган. Ўрта Осиёда 12-аср охири — 13-аср бошларида пайдо бўлган. Илк бор Самарқанд, Бухоро, Кўҳна Урганч ва бошқа жойлардаги ёдгорликларда, бино пойдеворларини безашда ишлатилган. Кошинкорлик, кошинпазлик —кошин яшаш ва биноларни кошин билан безатиш санъати, касби. Шарқда қадимдан маълум бўлган. 14-асрдан меъморий обидаларни кошин билан безаш Ўрта Осиёда кенгтарқалган. Кошинкорлик билан махсус усталар шуғулланган. Меъморликда кулолликнинг тараққиёти кошинкорликнинг ҳам ривожини тақозо этди. Уста (кошинпаз)лар махсус лойдан тайёрлаган кошинлар сирланиб, хумдонда пишириб олинган. Нақшли гуллар ишланган кошин сирлангач, ва бир бор хумдонда пиширилган. Биноларни кошин ва парчин билан қоплаш ва улар ёрдамида турли хил вақш мужассамотлари ҳосил қилишга эришилди (масалан Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним макбараси, Самарқанддаги Шохизинда мажмуаси, Ишратхона ва бошқалар). Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Қашқадарё ва бошқа вилоятлар меъморий

ёдгорликларининг кўриниши умумий бўлсада, кошинкорлик намуналари ўзига хос ранг хиллари ва ишланиш услублари билан тубдан фарқ қилали. Барча мамлакатларда кошин тайёрлаш усуллари махфий тутилган. 18-аср охирларидан 20-аср бошларигача кошинкорлик сусайди, у билан шуғулланувчи усталар камайиб кетди. 20-асрнинг 20-йиларидан бир гуруҳ усталарнинг саъйи ҳаракати билан кошин ишлаш усуллари устида изланишлар маълум самаралар бермоқда. Самарқанддаги кулоллик устахонасида ўтмишдаги намуналарга яқин кошинлар тайёрланади, Хоразм вилоятида кошинкорлик анъаналари тикланмоқда.

Кейинги босқичда масжиднинг тархи, тарзи ва кесма чизмаларидан нусха кўчириш ишлари олиб борилди. Сўнг мавжуд аналоглар таҳлил этиб, ўрганиб чиқилди. Бу жараёнда йўқотилган меъморий шакллар қурилишининг геометрик таҳлили олиб борилди.

Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжиди фасадининг бадиий безакларини таъмирлаш лойиҳаси жараёни белгиланган меъёрий талаблар, устозларнинг ўғити асосида бажарилди. Лойиҳа олтига 100 х 100 сантиметрли планшетда, мувофиқ масштабларда бажарилди. Шунингдек ашёда ишлаш жараёни ҳам очиб берилди. Буларнинг барчаси битирув малакавий ишларига оид белгиланган меъёрлар асосида бажарилди.

Лойиҳа яратиш жараёнида меъморий-фазовий композициянинг асосий конунларига риоя этиш, мураккаб функционал жараёнларни тартибга солиш, конструкцияларни, хусусан қисмларнинг меъморий-конструкцияси ҳақидаги билимлар талаб этилади. Шунингдек таъмирлаш талаблари ва нормативларни тушуниш ҳам таъмирловчи мутахассиснинг асосий малакавий билимлари саналади. Лойиҳаларни ишлаш жараёнида юқоридаги билимлардан унумли фойдаланилди<sup>1</sup>.

1- Титул вароғи ҳисобланган бу планшет битирув малакавий

---

<sup>1</sup>. С.Булатов Ўзбек халқ амалий безак санъати Тошкент “Меҳнат”1991 й 162-175 бб.

ишининг паспорти саналади. Унда олий ўқув юртининг, факультет ва кафедранинг, мутахассисликнинг тўлиқ номи, штрих рақами, битирув малакавий иши мавзуси, раҳбари ва дипломантнинг исми-шарифи ҳақидаги аниқ маълумотларни ўзида мужассам этган.


2-Лойиҳа таркибида графикли маҳоратни ўрганиш жараёнида орттирилган билимлар иллюстрацияларда, ўлчов чизмаларида акс этган. Иккинчи планшетда Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр масжидининг фасад қисмининг марказий айвони тўлиқ кўрсатиб берилган



3 Бу қисмда масжиднинг устунли айвонида жойлашган безак қисмларининг фиксацияси акс этади. Унда таъмирдан олдинги безакнинг ҳолати қандай бўлса шундай ҳолатда тушириб олинади. Айнан шу фиксация асосида кейинги таъмир жараёни олиб борилади.




4Таъмирланадиган бадий безак қисмларини ашёда (ганч ва ёғоч ўймакорлиги, ўйма ва кошинли кулолчилик, сирланган майолика ва мозаика) асл ҳолатида мослаштириб мустақил бажариш лойиҳанинг тўртинчи қисмида акс этган. Унда Ҳазрати Хизр масжиди пештоғи ва шифт қисмидаги геометрик (Хандасавий) нақш ва геометрик шакллар ичида ўсимликсимон ислимий нақш мунаббат нақш сифатида давом эттирилган улар рангда ва қаламда ак этирилган. Бу жараёнда ашё, фактура ва текстура, конструктив ечимларни тўлиқ очиб беришга алоҳида аҳамият қаратилди.



Майолика безакларининг технологик бажарилиш жараёни ўзига хос хусусиятларга эга. Унда ҳам сирланган кошин безаклари каби жараёнларни босиб ўтилади, бироқ глазур фактурасини ифодалаш лозим бўлади. Бажариш техникасининг хусусиятлари шундаки, нақш қисми аввал турли рангли сирланган керамик плиткалардан йўниб чиқилади. Плиткалар махсус пластик

лойдан ясалганлиги сабабли улардан бир неча миллиметр қалинликдаги нақш элементлари осон йўнилади. Шу тарзда тайёрланган нақш бўлаклари бирлаштирилади ва кейин гипс билан бхдевор сатҳига ўрнатилади. Одатда таъмирлаш жараёнида мавжуд мозаика намунаси олиниб, унинг асл ҳолатига яқинлаштириб нусха бажарилади. Бу вазифанинг бажарилиш технологияси ҳам юқоридагиларга монанд кетма-кетликда ишланади.

5-Геометрик таҳлил лойиҳаси Ҳазрати Хизр масжидини бўйича олиб борилган изланишлар натижасида экстерьер қисми безакларининг геометрик таҳлили лойиҳанинг бешинчи қисмида тақдим этилган.



6- планшет. Сўнгги қисм битирув малакавий ишнинг натижаси, яъни Ҳазрати Хизр масжиди экстерьерининг бадиий безаклари таъмирдан сўнгги ҳолатини намоиш этади.

Юқоридаги тадқиқотларни тўлалигича ва сифатли бажарилиши ёдгорликларнинг асл меъморий кўринишини аниқлаш ва илмий асосдаги таъмирлашга омил бўладиган доимий ҳужжатларни яратиш имконини беради.



## ХУЛОСА

Асрлар давомида орттирган маданий бойлигимиз бўлган очик осмон остидаги музейларимиз яъни тарихий обидаларимиз мустақил юртимизнинг ўтмиши унинг тарихига тилсиз гувоҳ сифатида ўз ҳашамдорлиги, такрорланмас меъморий безаклари, ўхшаши йўқ гўзаллиги билан дунё ахлини хайратга солиб келмоқда. Бу албатта бунёдкор халқимизнинг меҳнатлари самараси десак хато бўлмайди.

Меъморчилик ибтидоси қурилишдан бошланиб, инсон жамиятининг илк ривожланиш даврида, одам ўзига қулай шароит яратиш, табиий офатлардан ва ёввойи ҳайвонлардан сақланиш учун зарур шароитларда пайдо бўлди. Содда қурилиш аста-секин анча ривожланган шаклларга эга бўлиб, инсон фаолиятининг энг мураккаб соҳаси — меъморчиликка, бунёдкорликка ўта бошлади.

Ўтган минг йилликларда жамиятдаги ўзгаришлар билан биргаликда, меъморчилик ҳам улкан ривожланиш жараёнини, юксак кўтаринкилик даврини, шунингдек инқироз даврини ҳам кечиб ўтди.

Меъморчиликнинг асосий мақсади — доим инсон ҳаёти учун зарур, ҳар жиҳатдан қулай бўлган, жамиятнинг ривожи даражасини, унинг синфий таркиби, маданияти, фан ва техника ютуқларини белгиловчи, яшаш муҳитини яратишдан иборат.

Бу, меъморчилик деб аталмиш ҳаёт муҳити, ички кўламга эга биноларда, бино ва иншоотлар мажмуаларини ташкил этувчи ташқи кўлам — кўчалар, майдонлар, шаҳар ва бошқа манзилгоҳларда мужассам бўлган.

Замонавий тушунчада меъморчилик — бу бино, иншоот ва уларнинг мажмуаларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш санъати. У бутун ҳаётий жараёнларни ташкил этади.

Меъморчилик ўзининг руҳий таъсири сифатида — энг аҳамиятли ва кўҳна санъатлардан бири. Унинг бадиий образлари кучи доим инсонга

таъсирини ўтказди, чунки унинг бутун умри меъморчилик қуршовида ўтмоқда.

Шундай қилиб, архитектура, меъморчилик — бу ўзига хос жамият ҳодисаси маданият тизимида ўзининг ижтимоий аҳамияти бўйича ҳам улар бир-бири билан чамбарчас боғланган меъморчилик ижоди жараёнида ўринни эгаллайди.

Инсон фаолияти учун қулай муҳитни яратиш авваламбор, бинонинг меъморий-тархий, ҳажмий-фазовий тизими қанчалик тўғри топилганига боғлиқ бўлиб, бунда лойиҳалаштиришда орттирилган тажрибаси ва фан ютуқлари ҳисобга олинган.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки фирдавсмонанд Самарқандни асрлар давомида ер юзининг сайқали сифатида келаётганлиги ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолишини таъминлаш мақсадида ушбу олий даргоҳда олган билим ва кўникмаларимизни амалда қўллаган ҳолда шу замин, шу мустақил диёр равнақи учун сарфлаймиз ва келажак авлодга ўзимиздан мерос сифатида қолдирамыз.

## ГЛОССАРИЙ

**Айж** — гумбаз, равоқнинг энг баланд нуқтаси; 2) наққошликда рангнинг ниҳоятда ёрқин, очиқ даражада берилиши. Нақшда қизилнинг авжи.

**Аврс** — бинонинг ташқи безаги. Пештоқ авра либоси кошинкори.

**Айвон** — уч томони девор билан ўралган олди очиқ хона. Тузилиши жиҳатдан айвоннинг уч хил тури учрайди: даҳлиз-айвон, устунли айвон, равоқли айвон.

**Айланма ислимий** — доира, айланма шакллар асосида тузилган ўсимликсимон нақш тури.

**Аланга, тарғил** — наққошликда гуллар ичини тўлдиришда ишлатиладиган гулхан алангасини эслатувчи шакл.

**Амал** — кўпинча эски иморатларда меъмор ёки устанинг дастхати шу сўз билан бошланади: «Амоли усто» каби.

**Анг** — сопол қувур, мўри.

**Ангоб** — 1) қизил кесакдан тайёрланган бўёқ; 2) сополга, девордаги ғиштга суртилган рангли пардоз; 3) кўчма маънода — ғишт девор чокларини текислаб пардоз бериш. Усталар барноп деб ҳам аташади.

**Андаза** — ўлчоволиш, айнан шаклни кўчириш.

**Араш** — қадимги ўлчов бирлиги; 1 араш 50—60 см.

**Арақи** — шип билан девор орасидаги горизонтал тахта. У кўпинча безакдор ва бошқа ҳошияларга нисбатан кенгроқ боиади. Арақи юзаси девор сатҳига нисбатан эни кенгроқ бўлади.

**Арка** — равоқ, тоқ.

**Арзиқламба, арзиқламма** — ганч билан пардозланган тскис шип; қамиш чий устидан тортилган ганчсувоқ.

**Балхи гумбаз** — энг содда, кенг тарқалган гумбаз тури; тўғри тўртбурчак ёки квадрат асосли хоналар устига ҳар бурчагидан ғишт билан қия териб ишланадиган, нисбатан паст гумбаз. Балхи гумбаз, асосан, паст томли

бинолар (мадраса ҳужралари, ҳаммом, сув омборлари ва бошқ.)да учрайди.

**Бандак** — ғиштин деворларда кўндаланг ўматилган шаклдор майда ғишт.

**Бағал** — гумбаз остидаги бурчак шакл. Кўпроқ равоқ ва муқарнас кўринишида бўлади.

**Бешик гумбаз** — гумбазнинг бешик говраси каби узун шаклдаги тури.

**Болор** — тўсин.

**Боғдоди эшик** — икки тавақали, ҳар бир тавақаси уч қисмдан иборат, юқориги ва пастки қисмлари квадрат, ўртадагиси узунчоқ тузилишга эга. Улар юзасига ҳар хил нақшлар ўйилган.

**Бўза** — ғишт териш ёки пойдевор қўйиш учун тайёрланган қоришма.

**Бўрлама, бўрламба** — бўр (оҳак) пардозли текис шип.

**Далон, долон** — усти берк йўлак, баъзан тепасида болохона бўлиши мумкин.

**Дандона** — ғиштлардан кўндаланг териб, тишли қилиб терилган қатор, кунгура. Иморатларнинг томи, девори тепасидаги кунгурали ҳошия қисми ҳам дандона деб аталади.

**Дахма** — 1) қабр устига ўрнатилган ёдгорлик, сағана, мақ- бара; 2) мажусийлар (зардуштийлар) даврида мурда қўйиб қурилган махсус супа, хона.

**Диз** — кўрғон, қалъа, истехком.

**Гажак** — 1) гумбаз остидаги бурчак равоқчаси, кулжак; 2) кўчқор шохи каби гажак шаклли ганжала. Чизик.

**Ганч** — қурилиш материали, гипснинг маҳаллий тури. Ганч тозалиги ва майдаланиши сифатига қараб уч турга болинади: **ганчхок** (хокитупроқ) — оддий ганч билан созтупроқ аралашмасидан иборат, асосан, деворлар ғиштини теришга, қорасувовқа ишлатилади; **тезганч** — тез қотадиган пишиқ ганч; одатда, қора сувовқа ишлатилади; **гулганч** — энг майда ва нозик ганч, асосан, пардоз безагига ишлатилади. Оўймақори ва қалинаки ишлар ҳам гулганч асосида тайёрланади.

**Гирих** — чигал, тугундан ташкил топган геометрик нақш.

**Гумбаз** — кубба шаклидаги том: тархи айлана, тўғри тўрт- бурчак ва бошқа шаклдаги бино ва иншоотламинг яримшарсимон қилиб ишланган томи. Марказий Осиё меъморчилигида, асосан, ёғоч, хом гишт, пишиқ гишдан қурилган. Гумбазнинг балхи, чархи, чортарк, чоргунчак, мирзойи, кулоҳий, шалғомий ва бошқа турлари мавжуд.

**Ҳандаса, геометрия** — шакллар тузилишини ўрганувчи фан.

**Ҳовузак** — шифт ўртасидаги муқарнасли гумбазча ёки чуқурча.

**Ҳавоза** — иморатнинг юқори қисмини қуришда, деворини пардозлашда, таъмир ишларида қўлланиладиган, эшаклар устига ётқизилган тахталар, қават-қават қилиб ишланган муваққат қурилма.

**Интерер** — бино ички кўриниши, хона архитектураси.

**Изора** — деворнинг токча билан бино саҳни орасидаги пастки қисми; шу қисмга ишланадиган безак.

**Ироқи** — муқарнас тури; шаклдор равоқ чизиқлари ўзаро кесишиши натижасида ясалган поғонали суйри безак.

**Ишқор** — ўсимликламинг алоҳида (янтоқ каби) турларини йиғиб, қуришиб тайёрланадиган кул. Сирқор безакларда бўёққа аралаш- тирилиб ишлатилади.

**Кашсо** — черков, христианлар ибодатхонаси.

**Каллак, калла** — устуннинг тепа, безатилган қисми, боши.

**Карвонсарой, работ, лангар** — карвонлар тўхтаб, тунаб ўта- диган жой, сарой. Карвонлар йўлида, бир кунлик масофа ва шаҳар ичида қурилган. У қароргоҳ, истиқомат жойи, истехком, молларни сақлайдиган омбор, оғил ва бошқа уй-жойлардан иборат бўлган. Карвонсаройларнинг меъморий шакл-у шамойили ҳар хил бўлган.

**Карниз** — бўғот.

**Кесма кошин, кошин буруш** — ранг-баранг кошин парча- ларини кесиб, эгвлаб тайёрланадиган терма (йиғма) безак нақш.

**Кирпич** — гиштнинг қадимги туркий атамаси. Хоразм ўзбеклари карвич деб

талайуз этишади. Навоий асарларида кўп учрайди.

**Китоба** — бинолар безагидаги ёзувли намоён, бир ҳикмат ёки тарих санаси ёзилган жой. Кўпинча пештоқ тепасидан кўндаланг ёзув қатори, боғдоди эшикларнинг тепа қисмидаги ёзувли тахтача шундай аталади.

**Колоинада** — устунлар қатори, қаторак.

**Консерватсия** — таъмирнинг асосий тури. Қадимият асори- атиқаларини сақлаб қолиш учун кўриладиган чоралар. Бинони янада бузилиб кетишининг олдини олиш учун махсус қурилиш чоралари кўрилади.

**Кошин** — 1) бино безаги учун махсус пишитилган сиркор мо<sup>л</sup>рт сопол бўлаги. Юзаси сирлангандан кейин яна бир марта хумдонда пиширилади; 2) кесма кошин.

**Кулол тупроқ** — сопол буюмлар тайёрлаш учун ишлати- ладиган ширали тупроқ, соз тупроқ.

**Кулоҳий гумбаз** — кулоҳ (учли қалпоқ) шаклидаги гумбаз.

**Ламба** — текис сувалган ёки тахталардан терилган шип.

**Линга (кружалло)** — ёғоч ва гумбазламинг андазаси.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

### **1. Расмий адабиётлар:**

- 1.1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 350 б.
- 1.2. Каримов. И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. – Тошкент: Шарқ, 1998. 96 б.
- 1.3. Каримов И.А. На пути духовного возрождения. История, просвещение, духовность. – Ташкент: Ўзбекистон, 1998. – 430 с.
- 1.4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 317 б.
- 1.5. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировад мақсадимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 77 б.
- 1.6. Каримов И.А. “Юксак маънавият - енгилмас куч” – “Ўзбекистон”, Тошкент: 2008 й., 140 б.
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 52-сон, 523-модда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 27 январдаги ПҚ-1271-сон қарори
- 1.8. 2011-2015 йилларда маданият ва истироҳат боғларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари дастурини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 декабрдаги 322 сон қарори / <http://www.lex.uz/>


### **2. Китоблар**

- 2.1. Азимов. И.М. Росписи Узбекистана. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма. 1987.
- 2.2. Бархин Б.Г. Методика архитектурного проектирования. Москва. Изд. литературы по строительству. 1969.

- 2.3. Булатова В.А., Маньковская Л.Ю. Памятники зодчества Ташкента XIV – XIX вв. Ташкент: Изд. литературы и искусства им. Г.Гуляма. 1983.
- 2.4. Булатов М.С. Геометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии IX – XV вв., М., Наука. 1978.
- 2.5. Булатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т., Меғнат. 1991.
- 2.6. Введение архитектурного проектирование. Москва. Стройиздат. 1974
- 2.7. Веймарн Б.В. Искусство Средней Азии. – М.-Л.: Искусство, 1940–190.
- 2.8. Горшкова Г.Ф. Геометрическая структура архитектурного пространства. “ННГАСУ”, Н. Новгород, 2007, -237 с.
- 2.9. Горшкова Г.Ф. Проекционная геометрия архитектурного пространства. Автореферат дисс. канд. философских наук // Нижний Новгород: 2007г. – 46с.
- 2.10. Дўстметова З. Лойиҳалаш. Sharq – 2007. 141 б.
- 2.11. Жирнов А.Д. Искусство паркостроения.- Львов, 1977
- 2.12. Захидов. П.Ш. Народные зодчие Самарканда XIX – нач. XX вв.
- 2.13. Исамухаммедова Д. Адилова Л. Шаҳарсозлик асослари ва ландшафт архитектураси. Тошкент – 2010. – Б. 211
- 2.14. Крюков. К.С. Пропорции в архитектуре. Ташкент, 1995.
- 2.15. Пугаченкова Г.А. Ремпель Л.И. Выдающиеся памятники искусства Узбекистана / Государственное из-ство художественной литературы, Ташкент. 1958. 172 с.
- 2.16. Пўлатов Х.Ш. Архитектура безакларини таъмирлаш. “Янги Нашр”. – Тошкент. 2007. 208 б.
- 2.17. Ремпель Л.И. Архитектурный орнамент Узбекистана. Ташкент. Гос. Изд художественный литературы УзССР. 1961.
- 2.18. Тосунова М.И. Курсовое и дипломное архитектурное проектирование. Москва. Высшая школа, 1983.

- 2.19. Тосунова М.И., Гаврилова М.М., Полещук И.В. Архитектурное проектирование. Москва, Высшая школа, 1988.
- 2.20. Шубенков М.В. Структура архитектурного пространства. Автореферат дисс. на соискание ученой степени доктора архитектуры // Москва: 2006г.
- 2.21. Филин В.А. Глядя на город // Техническая эстетика. – . 1989. – № 9. – С.20 – 22.
- 2.22. Қаямов Н.Р. Меъморий-декоратив санъати. Ашёларга бадий ишлов бериш. “ILM ZIYO”. Тошкент- 2016. Б.5. 263 б.
- 2.23.





Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд.

3 этап




Мечеть Хазрет Хызр Самарканд  
Середина XX века.






Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд. Конец XIX века.



Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд. Конец XIX века

1 этап



Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд. Конец XIX века.



Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд. Фото 2008 г.



Мечеть Хазрет Хызр. Самарканд. Начало XXI века.